

Беркинмачоқ. (Болалар учун)

05:00 / 16.02.2017 3363

Эҳсон дўстлари билан беркинмачоқ ўйини ўйнаётган эди. Беркиниш учун ҳар томонга тарқаб кетганларида Эҳсон йўл четидаги улкан каштан дарахтининг орқасига беркинмоқчи бўлди. Бу ўйинда бирорта боланинг уни топиб олиши мушкул иш эди.

Шу пайтда бир оппоқ соқолли мусофир киши шаҳарга келиб қолди ва ўша орқасига Эҳсон беркиниб турган каштан дарахтига яқинлашиб қолди ва унга деди: ўғлим сендан бир манзил ҳақида сўрамоқчи эдим. Эҳсон биров шошилиб қолди ва ундан жим бўлишини сўраб қўллари билан қулоқларига ишора қилди.

Ҳалиги киши Эҳсон ундан нима учун жим бўлишини талаб қилаётганига умуман тушунмади унга ажабланиб қараб деди: Сендан бир нарса ҳақида сўровдим. Агар билсанг хабарини бер, билмасанг ўзинг жим бўл! Сўнгра таажжубланиб деди: шаҳар болалари соғ-саломат экан-ку аммо уларнинг аҳволи кулгили ва қизиқ!

Ўйиндаги болалар анави ерда бир кекса ёшли киши дарахтнинг ортига беркинган уларнинг бир ўртоғи билан гаплашиб турганини кўргач ўша бола дўстлари Эҳсон эканлигини билишди. Оёқ учида юриб секин-аста ўша дарахтга яқинлашишди.

Улардан қаттиқ норози бўлган қария шундай деди: Афсуски, бу болалар улуг пайғамбаримиз Расулulloҳ С.А.В. нинг ушбу буйруқларини эшитмаган эканлар. У Зот шундай деб марҳамат қилганлар:

Кимки бирор кимсани бир тор кўчага бўлса ҳам йўллаб қўйса бир кишини қулликдан озод қилгандек бўлибди. (Тирмизий ривоятлари)

ва келган томонига кетишга отланди. Шунда Эҳсон қаттиқ хижолат бўлиб ўйинини ташлади, беркинган жойидан чиқди. Нуроний юзли бу қариянинг кетидан югурди ва қариядан уни кечирини ўтиниб сўради. Кейин уни бормоқчи бўлган жойига олиб бориб қўйди.